





# ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВЛАР ИККИ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА КАТТА ҲИССА ҚўШАДИ

## Бошланиши 1-бетда

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоҳида Стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Азалдан яқин дўстлик ришталарига, халқларимизнинг менталитети, анъана ва қадриятлари ўхшашлигига асосланган икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги сиёсий муносабатлар алоҳида Стратегик шериклик анъаналарига мос тарзда ўзаро ишонч, манфаатларни ҳурмат қилиш, халқаро майдонда бир-бирини кенг қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида ривожланмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг нуқтаи назари ва ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.


Ўзбекистон расмий Сеулнинг Корея ярим оролида глобал хавфсизликни таъминлаш борасидаги тинчликсевар сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

2023 йил сентябрь ойида икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги шакли — вазирлар даражасидаги Стратегик мулоқот йўлга қўйилди. Бу 32 йиллик дипломатик муносабатларда эришилган юксак ишончнинг яна бир далили бўлди.

Қайд этиш керак, кейинги йилларда ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари барқарор ошиб бормоқда. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда корейлик ҳамкорлар билан биргаликда 726 та қўшма корхона фаолият юритмоқда, улардан 32 таси 2024 йилда ташкил этилди.

Ушбу корхоналарнинг фаолияти, асосан, савдо, енгил саноат, тоғ-кон, кимё, озиқ-овқат саноати, машинасозлик, уй-жой коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм, хизматлар ва бошқа қатор соҳаларга ихтисослашган.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги, Корея Эксимбанки ва унинг фондиари билан кўп йиллар давомида самарали ҳамкорлик



қилинмоқда, улар билан биргаликдаги лойиҳаларнинг умумий портфели 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади.



Икки мамлакат ҳамкорлигида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан технология ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни жадаллаштириш, инфратузилма, “яшил” энергетика, рақамлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва бошқа йўналишлардаги қўшма лойиҳа-

ларни илгари суриш амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинган.

Корея Республикасининг етакчи компаниялари томонидан юртимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида юзлаб устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларга яратилган қўлай шароитлар натижасида “Samsung Group”, “KIA Motors”, “LG Corporation”, “POSCO Group”, “Hyundai Motor Group”, “Lotte Group” каби йirik корейс компанияларининг юртимизга ишончи ортиб бормоқда.

Бу ўз навбатида, Жанубий Корея хусусий корхоналарининг давлат кафолатларисиз тўғридан тўғри Ўзбекистон иқтисодиётига киритаётган инвестициялари миқдори ортиб боришига замин яратмоқда.

Бугунги кунда ҳамкорликнинг янги йўналиши сифатида ўзаро ташқи савдо



Икки мамлакат муносабатларида парламентлараро алоқалар ҳам муҳим ўрин тутати. Ўтган давр мобайнида парламентларимиз тажрибасини ўзаро ўрганиш, биргаликда халқаро конференциялар ўтказиш, мунтазам равишда делегациялар алмашинувини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар қилинди.

аъзо бўлишида ҳам яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

Икки мамлакат муносабатларида парламентлараро алоқалар ҳам муҳим ўрин тутати. Ўтган давр мобайнида парламентларимиз тажрибасини ўзаро ўрганиш, биргаликда халқаро конференциялар ўтказиш, мунтазам равишда делегациялар алмашинувини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар қилинди.

Ўтган йили икки мамлакат парламентлари раҳбарлари “Марказий Осиё — Корея Республикаси ҳамкорлик форуми” шаклидаги парламент раҳбарларининг биринчи йилги доирасида учрашган эди. Аини пайтда Корея Республикаси тажрибаси асосида “КОСА” халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмаги билан Ўзбе-

кистонда “Электрон парламент” тизимини жорий қилиш борасида ишлар давом эттирилмоқда.

Корея Республикаси билан меҳнат миграцияси соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2007 йилдан буён давлатларимиз ўртасида меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Бандликка рухсат бериш тизими бўйича 40 мингга яқин Ўзбекистон фуқароси Жанубий Кореяга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилди. 2018 йил сентябрь ойида Корея Республикасининг Кванжу шаҳрида Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхонаси очилди. Ҳозирги кунда Жанубий Кореяда Бандликка рухсат бериш тизими бўйича

15 мингга яқин Ўзбекистонлик меҳнат қилмоқда. Ўтган йили Корея Республикаси ҳукумати томонидан Ўзбекистон учун 5 минг атрофида иш ўринларига квота ажратилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 12 мингга етказилди. Жанубий Корея томони билан олиб борилган музокаралар натижасида йил охиригача бу кўрсаткич 15 мингга етказиш режалаштирилган.

Дўстона муносабатларни ривожлантиришда мамлакатларимиз халқлари менталитетининг яқинлиги ҳамда Ўзбекистондаги йirik корейс диаспораси муҳим роль ўйнайди.

Тошкент шаҳрида очилган Корея маданияти ва санъати уйи эса халқларимизнинг мустаҳкам дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга чиққанининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида корейс тилида дарслар олиб боришмоқда.

Худудлараро яқин алоқалар ўрнатиш доирасида, “Тошкент — Сеул”, “Фарғона — Инчон”, “Самарқанд — Кёнжу”, “Бухоро — Тэгу” ва бошқа бир қатор шаҳарлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик кундан кун ривожланиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ҳамда Корея Республикалари ўртасидаги самарали ҳамкорлик алоҳида Стратегик шериклик даражасига чиқди. Шу нуқтаи назардан, Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг мамлакатимизга давлат таширифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқади ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга катта туртки беради.

Ташриф чоғида давлат раҳбарлари икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қарорларни қабул қиладилар ва қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолашди. Мамлакатлар етакчилари, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни турли соҳаларда ривожлантириш юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

“Дунё” АА  
Сеул

## 15 июнь — ШХТ ташкил топган кун



# ИШОНЧ, ҲАМЖИҚАТЛИК, БИРГАЛИКДА РИВОЖЛАНИШ ИСТАГИ

## Ташкилот доирасида самарали фаолият асоси

“Халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир. Бунинг асосий сабабларидан бири глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг чуқур таназзулга юз тутаётгани билан боғлиқ”, деган эди давлатимиз раҳбари жаҳондаги бугунги вазиятга баҳо бериб.



Қобилжон СОБИРОВ,  
Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази директори

Ишонч иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатуви ва жамиятни ривожлантирувчи куч. Бутун жамиятни, барча муносабатларимизни ягона ижтимоий бирдамликка қиёслаш мумкин. Унинг асосий таркибий қисми ишончдир. Агар инсонлар ўз муносабатлари, шахсиятларини бир-бири билан боғламас, ишонч бўлмас экан, бирдамликка путур этади.

Оқибатда турли низолар пайдо бўлади, тажовузкорлик ортади, салбий оқибатлар келиб чиқади. Шундай экан, ишонч жамиятнинг бошқа барча жиҳатлари билан боғлиқ энг муҳим ижтимоий шартдир.

Глобаллашув ва ахборот макони жадал ривожланаётган ҳозирги даврда халқаро гуманитар ҳамкорликнинг роли янада ортмоқда. Самарали гуманитар ҳамкорлик орқали турли халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш халқ дипломатияси фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади.

Халқ дипломатияси нима ва унинг давлат дипломатиясидан фарқи қандай? “Халқ дипломатияси” атамаси илк бор 1965 йилда америкалик дипломат Эдмунд Галлион томонидан муомалага киритилган ва турли жамоат бирлашмалари, жамғармалар ва нодавлат ташкилотларнинг халқаро муносабатлардаги иштирокини кенгайтириш орқали давлат мақсадларига эришиш ёки ўз қадриятларини халқаро ҳамжамиятга тарғиб қилиш усули сифатида белгиланган.

Халқ дипломатияси ролини кучайтириш зарурати тан олинган бўлса-да, сиёсатчилар ва экспертларнинг ушбу ҳодиса ҳақидаги фикрлари, қарашлари, позициялари турлича. Умуман, бу ерда иккита нуқтаи назарни ажратиш мумкин. Баъзи тадқиқотчилар халқ дипломатиясини халқаро муносабатларда фаол иштирок этиш шакли деб ҳисобласа, бошқалари уни давлат ташқи сиёсатидаги кўникмалар тизими деб билади.



Анъанавий маънода дипломатия ҳукуматлар ўртасидаги алоқа шаклидир. Халқ дипломатияси — бошқа мамлакатлар халқлари билан бевосита алоқаларни ўрнатиш тизими.

Халқ дипломатияси фаолияти соҳасига жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, халқаро нодавлат ташкилотлар билан алоқалар ва маданий, илмий ҳамда таълим дастурларини амалга оширишдаги ҳамкорлик киради. Сўнгги йилларда ушбу ҳамкорлик мамлакатлар халқаро алоқаларини кенгайтиришининг ноёб воситасига айланиб бормоқда.

Бундай ҳамкорлик нафақат давлат тузилмалари, балки халқларнинг ўзи, уларнинг фаол вакиллари томонидан ҳам амалга оширилади. Унда оддий инсонлар турли мамлакатлар фуқаролари билан дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик ўрнатиш, мустаҳкамлаш, ўз ҳис-туғйуларини янада кенгрок ҳамда чуқуррок ифода эта олиш имкониятига эга бўлади.

Халқ дипломатиясида жамоат ташкилотлари саъй-ҳаракатлари жуда муҳимдир. Чунки бу йўналиш халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашнинг энг яхши усули бўлгани учун у жамоат ташкилотлари ва оддий инсонлар иштирокида ривожланади. Натижада халқаро иқтисодий муносабатлар аста-секин этно-маданий, интеллектуал-маърифий, ахлоқий, диний-сиёсий тус ола бошлайди.

Бугунги кунда фаол ташқи сиёсат юритаётган Ўзбекистон учун халқаро муносабатларда халқ дипломатияси усули ва воситаларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, аввало, ушбу соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга жорий этиш зарурати туғилади. Ташаббускорлиги ва прагматизми билан ажралиб турадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти — ШХТга асос солинган даврдан бошлаб ҳозирги кунгача аъзо давлатларнинг асосий мақсади узоқ муддатли яхши қўшни-

чилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга қаратилган. Сўнгги 23 йил ичида ШХТ минтақаси ривожланишидаги эришилган ютуқлар кўрсатдики, аъзо давлатлар томонидан биргаликда илгари ишонч, манфаат, тенглик, маслаҳатлашувлар, турли цивилизацияларга ҳурмат ва умумий ривожланиш истаги каби қадриятлар вақт синовида тузилди. Энг муҳими, жиддий халқаро ўзгаришларга дош бериб, ўзаро ишонч манбаи, ҳаётийлик ва ташкилотни ривожлантириш учун битмас-туганмас ҳаракатлантурувчи кучга айланди.

ШХТ Бош котиби Чжан Мин таъкидлаганидек, “Биз минтақани аввалгидан кўра хавфсизроқ қилиш, халқларимиз янада яхши яшаш ва ҳамкорлигимизни бундан да чуқурроқ, кенгрок ва мустаҳкам қилиш учун ҳаракат қилишимиз керак”.

ШХТ оиласига аъзо давлатлар биргаликда тотув яшаш учун керакли шароит ва қўлайликларга эга. Ушбу қўлайлик даражаси, асосан, иккита омилга боғлиқ. **Биринчиси** — “Шанхай руҳи”. Бу тамойил, аслида, мультилатерализм госянини тарғиб этади, давлатлараро муносабатларни тенглик, ўзаро ҳурмат, бир-бирининг манфаатлари ва муаммоларини ҳисобга олиш, ички ишларига аралашмаслик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида куриш зарурлигини илгари суради.

**Иккинчиси** — ШХТ хавфсизлик концепцияси. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар узоқ муддатли ҳамкорликка асосланган ҳолда тенг, умумий, кенг қамровли ва барқарор хавфсизлик концепциясини шакллантирди.

Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсат йўналиши унинг минтақавий ва халқаро ташкилотлар, жумладан, ШХТда ўзаро муносабатлари фаоллашиб, ўз мавқенини мустаҳкамлаш бораётганида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон мазкур ташкилотни институционал мустаҳкамлаш ва мувоzanатли ривожлантиришга қаратилган конструктив тақлиф ҳамда ташаббусларни тизимий равишда илгари суракмоқда, шунингдек, унинг ривожланиш стратегиясини белгилашда фаол иштирок этмоқда.

Президентимиз аъзо давлатлар аждодларимиз томонидан белгилаб берилган яхши қўшничилик анъаналарини қадрлаш, асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ва келажак авлодларга етказиш муҳимлигини бир неча бор таъкидлаган. Икки ва кўп томонлама муносабатларда ўзаро ишончнинг чуқурлаштириш халқаро ҳамкорликни муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий қафолати экани қайд этилган.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда ШХТнинг Остона саммитидаги нутқида тузилма давлатлари ва халқлари ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва дўстликни мустаҳкамлашни давом эттириш зарурлигига ургу бериб, ШХТ маконида халқ дипломатиясининг доимий институтларини ташкил этишни тақлиф қилган эди.

Президентимизнинг бу масалага эътибор қаратиши бежиз эмас. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган талаб қўйидаги омилларга боғлиқ.

**Биринчидан**, халқ дипломатияси воситаларидан фойдаланиш минтақавий давлатларнинг барқарор ва изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ШХТ мамлакатларининг ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик, миллатлараро тотувлик руҳини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Иккинчидан**, фуқаролик жамияти институтларини минтақавий интеграция жараёндарига фаол жалб этиш ҳамкорлик салоҳиятини бойитида ва самарали алоқалар учун янги йўналишларни оқди.

**Учинчидан**, ШХТ доирасидаги халқ дипломатияси дунё мамлакатлари менталитетини англаш учун асос бўлади. Яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ШХТ маконида ишонч халқлар манфаатлари йўлида маданиятлараро мулоқотни кучайтириш, маданий хилма-хилликни сақлаш ва тарғиб қилиш, турли халқаро тадбирлар доирасида минтақанинг маданий ва табиий меросини ўрганиш, халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтиришга хизмат қилади.

Халқ дипломатияси замирида олий қадриятлар — тинчлик, хавфсизлик, ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, бошқа халқлар билан яхши қўшничилик, адолат ва биргаликда ривожланиш истаги туради.

Демак, бугунги кунда бу жараён ҳар қачонгидан ҳам талабчан бўлиши, мураккаб халқаро вазият фондида турли халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжиқатликни мустаҳкамлаш орқали умумий муаммоларни ҳал этишда самарали восита бўлиб хизмат қилиши, нодавлат ташкилотлар халқ дипломатиясининг ҳаракатлантурувчи кучига айланиши керак. Шундангина у халқлар даражасида яқинлашиш учунгинагина платформага айланади.

Самарқанд форуми

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ИСТИҚБОЛИ ВА БАРҚАРОР ЕЧИМЛАР



Бошланиши 1-бетда

Очилиш маросимида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Фолькер Тюрк ҳамда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччининг видеомурожаати намойиш этилди. Форум очилишида, шунингдек, Ўзбекистон адлия вазирининг Музаф Икрамов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси Сабина Махл иштирокчиларни ташрифтлади.

Глобал муаммо бўлган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилаётган бўлишига қарамай, бу саъй-ҳаракатларини давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим. Шу боис, Президентимиз 2023 йил 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Ташаббус глобал иқлим ўзгаришларининг Марказий Осиё билан боғлиқ таҳдидлари олдини олиш учун минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади ҳамда барча ҳамкорларнинг манфаатларига бирдек мос келади. Бу таклифнинг негизиди

резолюцияси қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим. Бош Ассамблея бундай мақомни биринчи бўлиб Оролбўйи минтақасига тақдим этди. Натижада кейинги йиллар давомида Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар ўрмонзор ташкил этилди. Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, Оролбўйида биохимия-хиллини сақлаш учун 3,5 миллион гектардан ортиқ майдонда табиат парклари, қўриқхоналар ва давлат ҳимоя ҳудудлари барпо этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш анча яхшиланди. Фолькер Тюрк “Эҳтимол, ҳеч бир жойда Орол денгизидегидек экологик бузилиш кузатилмаган. Ўтган йилги Ўзбекистонга сафаримда бунга ўзим гувоҳ бўлганман”, деб таъкидлади. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари таъбири билан айтганда, бу каби инқироз фақатгина атроф-муҳит ва инсон ҳуқуқлари учун фалокат эмас, иқтисодий ҳаётимиз учун ҳам ҳалокатдир. Марказий Осиёда фақат ўтган йилнинг ўзида иқлим билан боғлиқ офатлар 3 миллиард доллар зарар келтирди. Шунингдек, глобал муаммога айланиб бораётган автомобиллар ҳаракати ва тирбандлик авж олаётгани ҳам ҳаво ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Автотранспорт воситалари атмосфера ҳавосини азот оксиди билан 45,7 фоиз, углеводородлар билан 42 фоиз зарарлантиради. Ер юзидидаги жами бир йилда ҳавога чиқариб ташланадиган 100 миллион тоннага яқин ис газининг 75,5 миллион тоннаси эки 78 фоизи автотранспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади.



ифлосланиши кучаймоқда. Бу хавф-хатарлар ҳатто дунё геосийосий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланган иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари, айниқса, Орол фожиаси туфайли Марказий Осиёда жиддий сезилмоқда. Шундай мураккаб шароитда Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдига энг заиф минтақалардан бирига айланмоқда.

мавжуд экологик муаммоларга фақат минтақавий даражада ёндашиш эмас, балки айти таҳдидларнинг ўзига хос жиҳатларига халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш мақсади ҳам мужассамдир. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги ташаббуси билан 2021 йилда Бош Ассамблеянинг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш”

Шу боис, бу глобал хавфлар жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барқарор келажагини белгилаш олиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаларидан биридир.

Экстремал об-ҳаво ҳодисалари аллақандак яшаш, ишлаш ва ўқиш учун хавфсиз жойларни излаётган, кўпинча ўз уйларида узоқда бўлган миллионлаб одамларнинг миграция қилиши ва кўчишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳаётини ўзгартирувчи бундай муаммоларга жавоб бериш барча одамларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини ҳурмат қилиш йўлида жуда муҳимдир. Яқин келажақда Марказий Осиё ва ЕХХТ ҳудуди инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг меҳнати хурмат қилинадиган ва рағбатлантириладиган, атроф-муҳитга оид хавоитлар эшитилмаган намунавий минтақага айланиши мумкин. Глобал кўламдаги ҳамкорлик, шубҳасиз, иқлим билан боғлиқ офатларни бартараф қилишга оқилона стратегик ечимлар топиш ва зарур ресурсларни самарадорлик билан сафарбар этиш имкониятларини сезиларли даражада оширади. Президентимизнинг айти йўналишидаги ташаббуслари, бир томондан, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш йўлидаги халқаро ҳамкорлик ва мулоқоти янада мустаҳкамлаша, иккинчи томондан, бундай глобал муаммолар ўзаро жам бўлиб ва барча

босқичлардаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирган ҳолда иш туттиш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ушбу халқаро форум Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва ўзгараётган иқлим шароитида ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кўмаклашадиган самарадор стратегия ва ёндашувларни ишлаб чиқишда турли соҳа мутахассислари учун қўлай майдон вазифасини ўтайди. Форум бугун — 14 июнда ҳам ўз ишини давом эттиради. Унда атроф-муҳит муаммоларини ҳал этиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги илгор тажрибаларни омаллаштириш масалалари муҳокама қилинади. Глобал иқлим ўзгаришининг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларга таъсири имкон қадар чуқурроқ таҳлиллар негизда кўриб чиқилади. Ўзгарувчан иқлим шароитида инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш борасида мавжуд халқаро ва минтақавий ҳужжатлар ҳамда воситалар таҳлил этилади.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Глобал муаммо бўлган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилаётган бўлишига қарамай, бу саъй-ҳаракатларни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим. Шу боис, Президентимиз 2023 йил 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Халқаро экспертлар фикри

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИ ЮМШАТИШ ҲАМДА ЯНГИ ШАРОИТЛАРГА МОСЛАШИШ ЖАМОАВИЙ ЁНДАШУВНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Хорижлик экспертлар “Экологик таҳдидлар: ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқларининг истиқболи ва барқарор ечимларни излаш” мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми ҳақида

13 июнь куни “Экологик таҳдидлар: ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқларининг истиқболи ва барқарор ечимларни излаш” мавзусида инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро мулоқотнинг муҳим маркази сифатидаги мақомини тасдиқлади. Форум мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида янги стратегия

ва ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилди. Иштирокчилар, шунингдек, самарали ҳамкорликни давом эттиришга ва келажақда янада адолатли ҳамда инсонпарвар ғояларни илгари суришга ёрдам берадиган ташаббусларни амалга оширишга умид билдирдилар.

Ҳаёт, соғлиқни сақлаш, тоза сув ва озиқ-овқатдан фойдаланиш, муносиб турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқига таъсир қилади. Биз бугун айрим мамлакатларда кузатилаётган сув тошқинлари ва қурғоқчилик каби табиий офатлар аҳолини ўз хонадонларини тарк этишга мажбур қилаётганини, уларнинг яшаш ва турмуш тарзини издан чиқараётганини кўряпмиз. Бизнинг келажагимиз ушбу долзарб муаммоларга барқарор ечимларни қанчалик муваффақиятли топа олишимизга боғлиқ. Бу иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва янги шароитларга мослашиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Ушбу мақсадларга эришишда халқаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. БМТ мамлакатларни барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида қўллаб-қувватлашга тайёр. Ўзбекистонда бу борда ижобий ўзгаришлар қўлга киритилаётганини кўряпмиз. Мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш ва барқарор амалиётни жорий этиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Биз бу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашимиз ва умумий мақсадларга эришиш йўлида ҳамкорликни давом эттиришга тайёрмиз. Экологик муаммолар биздан қатъий ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва атроф-муҳит муҳофазаси ёнма-ён юришини ва бир-бирининг ажралмас қисми эканини унутмаслигимиз зарур.



Сабина МАХЛ, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори:

— Аввало, ташкилотчиларга экологик муаммолар ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти учун ўз миннатдорлигини билдираман. Иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши бугун дунёда инсон ҳуқуқларига жиддий таҳдид солмоқда. Ушбу экологик муаммолар бевосита

Антти КАРТТУНЕН, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, элчи:



— Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми, унинг экологик муаммоларни ҳал этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдиришдан мамнунман. Форумда ушбу масалалар ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга, жумладан, хотин-қизлар, болалар ва кексаларга қандай таъсир кўрсатишини муҳокама қилдик. Экологик муаммолар ижтимоий тенгсизликни қандай кучайтираётгани ва барқарор ривожланишга тўсқинлик қилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Атроф-муҳит ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комплекс ёндашуви талаб этадиган ўзаро боғлиқ вазифалар эканини англаб етиш муҳимдир. Мен модератор сифатида иштирок этган 3-сессияда ўзгарувчан иқлим шароитида инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган мавжуд халқаро ва минтақавий ҳужжатлар атрофича кўриб чиқилди. Муҳокамалар чоғида халқаро ва минтақавий ҳужжатларда мустаҳкамланган стандартларга ҳам тўхталиб ўтилди. Сессия якунида иқлим бўйича глобал ташаббуслар доирасида мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор тавсиялар қабул қилинди.

Ушбу сессия, шунингдек, иқлим бўйича ташаббусларни самарали амалга оширишда бизнес ва фуқаролик жамиятининг асосий ролини муҳокама қилишга бағишланди. Самарқанддаги форум мамлакатлар бундай муаммоларга умумий ечим топиш учун бирлашишга тайёр эканини кўрсатди. Мақсадларимизга эришиш учун тажриба, билим ва ресурсларни алмашишда давом этишимиз зарур. Хулоса ўрнида шуни айтишни истардимки, Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми экологик муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда муҳим майдонга айланди. Биз ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ҳимояланган ва авлодлар учун сайёрамыз асраб-авайланадиган келажақни таъминлаш учун биргаликда ишлаймиз.

Самарқанддаги форум мамлакатлар бундай муаммоларга умумий ечим топиш учун бирлашишга тайёр эканини кўрсатди. Мақсадларимизга эришиш учун тажриба, билим ва ресурсларни алмашишда давом этишимиз зарур.

Сунжид ДУГАР, Мўғулистон Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий комиссияси бош вакили, юридик фанлар доктори:



— Ўзгарувчан дунёда инсон ҳуқуқлари келажакга барқарор ечим топиш барчамиз учун устувор вазифадир. Форумда қилинган ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва аҳолининг энг заиф қатламлари ҳуқуқлари ҳимояси бўйича аниқ қадамлар қилинди. Мўғулистонда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш ва табиий ресурсларни бошқаришни тақомиллаштиришга қаратилган лойиҳалар устида фаол ишлаяпмиз. Ушбу чора-тадбирлар нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, балки барқарор ривожланишга ёрдам беради. Экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик муҳимлигини ҳам таъкидламоқчиман. Атроф-муҳит муаммоларига қарши самарали курашиш учун билим ва илгор тажрибалар алмашишимиз керак. Самарқанд форуми қўшма ташаббусларни муҳокама қилиш ва мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун ажойиб имконият яратди. Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми ўзаро фикр ва тажриба алмашиш майдонига айланди. Биз ўзгарувчан иқлим шароитида инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминлаш ва умумий экологик муаммоларга барқарор ечим топиш учун биргаликда ишлашнинг давом эттиришимиз керак.



Худудлар ҳаёти

Ташвишсиз бош, меҳнатсиз ош йўқ. Халқона бу ибора замирида сабр-бардош, ҳалол меҳнат, ҳамжихатлик, катталарга хурмат, кичикларга иззат каби фазилатларга даъват мужассам. Кимдир тирикчилик, бедорлик қайғуси билан ёнса, бошқа биров тотув ҳаёт орзуманди. Буларнинг барчаси маҳалла аталмиш кўрғоннинг кундалик ҳаётидан лавҳа. Кишилар бирда қувонч, бирда маҳзунлик билан маҳаллага юзланади, маҳалладошларига суянади.



Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Кейинги йилларда бу тузилмага эътибор янада ошди, ҳуқуқ ва ваколати кенгайди. Маҳалла жойлардаги муаммолардан хабардор, ҳал қилувчи институт сифатида шаклланди. Ўз навбатида, аҳолининг бу тузилмага ишончи ҳам ошди. Энди маҳалла фақат маълумотнома берувчи эмас, балки улғу мақсад ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, амалий кўмаклашувчи маскан сифатида намоеён бўлмоқда.

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани “Оқбўйра” маҳалла фуқаролар йиғинида кўрган-билганларимиз, ҳамжихатлик, меҳнатсеварлик, одамийлик борасидаги ишлар ҳайрату ҳавасимизни оширди.

Оқбўйранинг янги манзараси

Бу маскан Олтиариқдан Марғилонга элтувчи Қашқар йўли ёқасида жойлашган. Қишлоқнинг “Оқбўйра” деб аталишининг ўзига хос тарихи бор. Олтиариқ фарзанди Эминжон Қулматовнинг “Олтиариқ ўтмиши ва ҳозирда” китобида қайд қилинишича, бундан 300 йиллар муқаддам атрофи қамишзор бўлган бу хилват гўшада бир киши буйрадан чайла ясаб, истикомат қила бошлаган. Ҳовуз қазиб, уни Файзиободдан келадиган булоқ сувига тўлдириб, йўловчиларга сув бериб турган. Одамлар бу ердан ўтаётганида “Оқ буйрали чайлага келдик”, дейишни одат қилган. Кейинчалик бу сўз қисқартирилиб, “Оқбўйра” атамасига айланган.

Топонимларда “Оқбўйра” этимологияси бунара, бутра, бура сўзларига боғланади. Географик термин сифатида ёнбош, ёнбағир, қиркоқ, чекка, деган маъноси борлигига уруғ қаратилган. Ҳақиқатан, Оқбўйра ўша даврларда Олтиариқ Марғилондан чеккароқда жойлашгани инобатта олинса, чекка қишлоқ, дейиш мумкин.

Оқбўйра қишлоғининг вужудга келиши эса Мойқўлбува зиёратгоҳи яқинида ҳозир ҳам мавжуд бўлган булоқ, шу манзилдан унча узок бўлмаган Маликақул атрофида тўғри келади. Булоқлардан муттасил сув чиқиб туриши қадимги кўчманчи аждоқларининг бу манзилда қўнми топиши, ўтқоқлашиб қолишига сабаб бўлган. Ҳозиргача уларни Бегтўпи, Қашқарилар, Китконтўпи, Наймантўпи,

дейишади. Вақт ўтиб, Мойқўлбува манзилгоҳида аҳоли кўпайиб, Девонабуво худуди атрофида пайдо бўлган Маҳаллалар билан туташиб, бир бутун Оқбўйра қишлоғи вужудга келган. Бугун бу катта қишлоқда “Оқбўйра” ва “Қаҳрамон” маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритиб келмоқда.

“Оқбўйра” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 1050 оилда 3700 га яқин киши яшайди. Кўна маҳалла кундан кунга обод бўлмоқда. Худуддаги савдо, маданий-маиший хизмат

худудда тоза ичимлик сув қудуғи қазилиб, фойдаланишга топширилди. “Маҳалла еттилиги” ҳар бир оиланинг ҳаёти, фаолияти билан яқиндан танишиб, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга бош-қош бўлди. Саховатли тадбиркорлар ва аҳоли кўмағида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган 2 та оиллага янги уй-жой қуриб берилди.



берапти. Ижтимоий дафтарларга киритилган 10 фуқарога зарур ускуналар олиш учун субсидия ажратилди.

Бу ерда кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича микро-лойиҳалар манзилли дастури яратилди. Ушбу йўналишда умумий қиймати 130 миллион сўм бўлган 2 та лойиҳа амалга оширилиб, 10 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

МАҲАЛЛА БУРУНГИДЕК МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ МАСКАН ЭМАС

— Хурсандлигимизни сўз билан ифодалаб беролмайман, — дейди оқбўйралик Муроджон Исоқов. — Оилавий шароитимизни ҳисобга олиб, шинам уй-жой қуриб беришди. Бунинг учун ёрдам сўраб бормаган жойим қолмаган эди. Мурोजатимни қабул қилганлар келиб, аҳолиимизни кўриб кетди, лекин амалий ишдан дарак бўлмади. “Маҳалла еттилиги” ташаббуси билан уй-жой қуриб берилишини айтишганида, тўғриси, ишонмадим. Ҳаммаси ҳақиқат экан. Қисқа муддатда

лоқларда ҳам замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Хомашёни қайта ишлаш орқали экспортбоп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташаббуси кўлоқ ёзпти.

“Оқбўйра” маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада эътиборга молик мисоллар, тажриба, ташаббуслар кўп. Шу кунга қадар тадбиркорлик ва оилавий бизнесни йўлга қўймоқчи бўлган 80 фуқарога 150 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди.



ҳашар қилиб, уй қуриб берган барча маҳалладошларимдан миннатдорман.

Хайр-саховат қарови кундан кунга кенгаймоқда. Ҳомийлар кўмағида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериляпти, 4 ногирон маҳсус аравача билан таъминланди.

Фаровонлик даромадга боғлиқ

Тадбиркорликнинг бешиги — маҳалла. Бу бежиз эмас. Соҳа ривожланишида ташаббус, қўллаб-қувватлов, имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳам муҳим. Маҳаллаларга ҳоким ёрдамчиси штаб бирлиги ажратилгани бугун самарасини кўрсатмоқда. Энди чекка ва олис қиш-

Бунинг ҳисобига чорвачилик, иссиқхона, паррандачилик, тикувчилик, боғдорчилик фаолияти кенгайди. Қўллаб-қувватланганларнинг 12 нафари “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлардир. 44 фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди, 89 нафарининг бандлиги таъминланди.

— Хатлов натижаларига кўра, 120 оқбўйралик ишсиз экани аниқланган. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида ишлашмиз, — дейди ҳоким ёрдамчиси Муроджон Умватов. — Ишсизларга 18 гектар ер ажратилиб, 10-15 сотихдан бўлиб берилиб ва янги деҳқон хўжалиқлари ташкил этилди. “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида картошка, сабзи етиштириляпти. Бу бир йилнинг икки мавсумида ҳар бир оиллага қўшимча 100-110 миллион сўмдан даромад олиш имконини

Соғлом оила — соғлом жамият асоси

Халқимизда “Қушнинг ҳам ини бузилмасин” деган ҳикमत бор. Унинг замирида оилани асраб-авайлаш, тинч-тотув яшаш, меҳр-муҳаббат ришталарини мустаҳкамлаш каби тушунчалар муҳим. Шу боис, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни оиллага тайёрлаш муҳим ишлардан. Хонадондаги соғлом муҳит икки ёшнинг зиммасига тушади. Қай оилда эр-хотин ижтимоий-сиёсий, моддий-маънавий жиҳатдан фаол бўлса, ўша ерда тинчлик, фаровонлик таъминланади.

— Хотин-қизлар муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолганларга психологик, ижтимоий-ҳуқуқий, моддий ёрдам бериш борасида давлатнинг тегили органлари билан ҳамкорлик қилиб келаямиз, — дейди хотин-қизлар фаоли Умидахон Халилова. — Асосийси, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш, фертил ёшдаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, мактаб ва мактабгача тарбия ташкилотларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш. Ўтган йилларда оилавий нотиқлик билан боғлиқ салбий ҳолат қайд қилинмади. Аммо бу хотиржамликка асос бўлмади. Ўрганиш натижасида маҳалламиздаги хотин-қизларнинг 110 нафари ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожлиги боис, “Аёллар дафтари”га киритилди. Ҳозиргача уларнинг 9 нафарига моддий ёрдам, 3 нафарига субсидия асосида пишириқ пичи, тикув машиналари олиб берилди, 8 нафарининг бандлиги таъминланди. Бир бемор аёл хонадонда ҳашар уюштирилиб, яшаш шариоти яхшиланди. Яқинда оилавий мўжарога барҳам бериш мақсадида “Маҳалла еттилиги” ҳамжихат бўлиб хонадонга бордик. Томонларни муросага келтириш осон бўлгани йўқ. Ҳамжихатликда ҳикमत кўп, деганлари рост экан. Суҳбат асосида оилавий тортишувга сабаб бўлган масалаларга ҳам ечим топилди. Куёв ҳақ тўланадиган жамоат ишига жойлаштирилди, уй бекаси субсидия асосида тикув машинаси билан таъминланди. Ҳаёт тарзидаги бу ўзгариш бир оилани парокандаликдан, мурғак болаларни ечимликдан асраб қолди.

Ҳар ишда фаол ёшлар

Оқбўйрада яшовчиларнинг аксарияти ёшлар. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига кўмаклашиш, ҳуқуқбузарликка мойиллар билан ишлашда “Маҳалла еттилиги” ҳамкор, ҳамфиқр. Бунда ҳар бир ёш қизиқиши, феъл-атвори қараб яшил, сарик, қизил тоналарга ажратилиб, улар билан алоҳида-алоҳида иш олиб бориляпти. Шу кунга қадар қизил тоналарга киритилган, тарбияси оғир ёшларнинг 23 нафарига ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий ёрдам берилди. Маҳалла ёшлари “Беш ташаббус” доирасида ўтказилаётган спорт мусобақаларининг маҳалла, туман, вилоят босқичларида фаол иштирок этиб келяпти.

— Тинчлик, ижтимоий барқарорлик ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва аҳоли ҳамжихатлигига боғлиқ, — дейди профилактика инспектори Сардорбек Юсупов. — Бу йўлда катта кичик билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Натижалар қувонарли, ўтган йили маҳалламизда бирорта ҳам янги оидир этилмади.

Солиқ — ҳазина таянчи

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясидан тортиб, юртинг ободлиги ҳам солиқдан келадиган тушумларга бевосита боғлиқ. Тадбиркорларнинг солиқ маъмуриятчилиги билан боғлиқ муаммоларини ўрганиш ва жойида ҳал қилиш, ташаббускорлар фаолиятини қонунийлаштиришга кўмаклашиш орқали бизнесни ривожлантиришда маҳалладаги солиқ инспекторининг ўрни катта. У ҳудуд имкониятидан келиб чиқиб, солиқ базасини кенгайтириш, ўсиш нуқталарини аниқлаб, янги тадбиркорлик субъектлари очиб, қўшимча иш ўринлари яратишга эътибор қаратиб келяпти.

Маҳаллада 12 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритиб келади. Шу кунга қадар ўзини ўзи банд қилган шахс солиқдан ишлаб келаятган бир фуқаро фаолиятини кенгайтириб, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Энди у айланмадан олинмаган солиқ тўловчилар тоифасига кирди.

Бекзод Раҳимов яқка тартибдаги тадбиркор сифатида компьютер хизмати билан шуғулланади. “Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи” тамойили доирасида унинг ўрин-жойи савдо учун қўлайлиги, фаолиятини кенгайтириш, қўшимча хизмат турлари билан боғлиқ имкониятлар тушунтирилган, дизайнлик, суратга олиш хизматларини йўлга қўйди. Бугунга келиб яқка тартибдаги тадбиркор мақомидан юридик шахс сифатида қайта рўйхатдан ўтди, 3 та янги иш ўрни очди.

— Тадбиркорларга “Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи” тамойили асосида ҳисобот юритиш, “Е-йага” дастуридан фойдаланишда амалий ёрдам бериб келаямиз, — дейди солиқ инспектори Аҳад Юсупов. — Шунингдек, фаолиятини тўхтатган тадбиркорлар орасида солиқ имтиёзлари ва енгилликлар ҳақида тарғибот ўтказилмиз.

Меҳр-саховат манзили

Қийналган дамларда суянчиқ бўлиш, меҳр-муруват кўрсатиш халқимизга хос қадриятлардан. Шу боис, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни аниқлаш, давлатимиз томонидан қафолатланган ёрдамнинг манзили ва тизимли асосда етиб боришни таъминлаш мақсадида маҳаллаларда ижтимоий ходим лавозими жорий этилди. Асосий мақсад — оғир аҳволга тушган ва тушиб қолиш хавфи юқори шахслар ҳамда оилаларни аниқлаш, эҳтиёжларига қараб уларга амалий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш. Қисқа муддатда маҳаллада амалий ишларга қўл урилиб, қўллаб масалаларга ечим топилмоқда.

— Маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ўрганиш жараёнида ўзгалар парваршига муҳтож, яқка-ёғғиз яшовчи 2 кекса, васийлик ва ҳомийликка олинган керак бўлган 6 бола борлиги аниқланди, — дейди ижтимоий ходим Меҳринисо Топниева. — Ҳозир кекса ёшдаги фуқарога ўзгалар парваршига муҳтож, яқка-ёғғиз кекса сифатида ўта-ўзгалар тайёрланмоқда. Шу билан бирга, ҳозирга қадар маҳаллада амалий ишларга қўл урилиб, қўллаб масалаларга ечим топилди.

Оқбўйрада обод ва фаровон ҳаёт иштиёқи билан яшайётганлар кўп. Бу хислатлар “Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида ривожланиб, тараққий этиб бораётгани билан эътиборни тортади. Чунки ҳамжихатлик бор жойда файзу барака бўлади.

Хирмонга барака

СУРХОНДАРЁДА ҒАЛЛА РЕЖАСИ ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРИЛМОҚДА



Бу йил Сурхон воҳасида 89 минг 325 гектарда ғалла етиштирилди. Ҳосилни ўриб-йиғиб олишга 265 та комбайн жалб қилинди.

Жорий йил ҳосили учун Музработда 10 минг 700, Бандихонда 4688 ва Термиз туманида 2900 гектарга маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитига мос, эртапишар ва серҳосил навли уруғлар экилди. Экинлар замонавий технологиялар асосида парварши қилиниши туфайли қутилган ҳосил етиштирилди. Ҳосилни қисқа фурсатларда йиғиштириб олиш ишлари оқилона ташкил этилиши натижасида 10 июнь ҳолатига кўра, режа мамлакатимизда биринчи бўлиб ортиғи билан бажарилди. Ўриб олинган майдонларда ўргача ҳосилдорлик 80-90 центнерни ташкил этди. Илгор фермер хўжалиқлари бир гектар ғалла майдонидан 100 центнергача ҳосил олишга эришди.

Кўтарилган хирмонга туманларда фаолият юритаётган кластерлар ва фермер хўжалиқлари бирдек ҳисса қўшди.

— Термиз туманининг ғалла режаси мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ортиғи билан бажарилди, — дейди илгор фермерлардан бири Икром Жўрабоев. — Ҳали Сурхон далаларида ҳосил кўп, ўрим уюшқоқлик билан давом этапти. Ҳосилни тезда саранжомлаб олиш ҳаракатидамиз.

Сервар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Хамкорлик

Ўзбекистон — Корея Республикаси:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР УСТУВОРЛИГИ



Гулчехра РИХСИЕВА, Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори, профессор

Корея ва Ўзбекистон алоқалари азадан мавжудлиги, бу икки мамлакат худудий жиҳатдан узок жойлашганига қарамай, халқларимизнинг урф-одатлари ва анъаналари ўхшашлиги кўп эътироф этиб келинади. Бу тарихий муносабатларни Афросиёб музейида сақланаётган қадимий деворий суратлардан ҳам билса бўлади. Унда VII аср ўрталарида Самарқанд ҳукмдори Корея элчисини қабул қилгани тасвирланган. Темурийлар тарихи давлат музейидаги салобатли бир расмда эса Самарқанднинг гавжум бозоридида корейлик савдогарнинг сурати тасвирланган.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг яқин стратегик ҳамкорларидан биридир. Икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар 30 йилдан зиёд вақтдан буён мустақамланиб келипти. Ўзаро барқарор ривожланиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, алоқат, парламентлараро, ҳукуматлараро, шунингдек, бизнес эгалари орасида ҳам чуқурлашган сир эмас.

Кейинги йилларда дўстона ҳамкорлик таълими тизими, фан ва инновациялар йўналишларида сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида ўзаро тасдиқланган қўшма таълим дастури ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда фан, таълим, маданият, иқтисодиёт ва бошқа йўналишларда қатор лойиҳа ва тадбирлар ўтказиб келинапти. Айниқса, ахборот технологиялари, рақамли тиббиёт, таълим ва маданият соҳаларидаги шерикликни алоҳида қайд этиш керак.

Хозир Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг 5 та университети филиали фаолият кўрсатмоқда. 2014 йилда Тошкент шаҳрида Инха университети ташкил этилди, 2018 йил август ойида Ўзбекистондаги дастлабки хусусий олийгоҳ сифатида Тошкент шаҳридаги Ёджу институти фаолиятини бошлади. Бугун бу олийгоҳ Тошкент кимё халқаро университети номи билан фаолият юритмоқда. Тошкент шаҳридаги Пучон ва Ажу университетлари, Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университети турли йўналишларда кадрлар тайёрламоқда.

Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари биринчилардан бўлиб Жанубий Корея университетлари билан қўшма таълим дастурлари борасидаги лойиҳаларни амалиётга киритди. Университетлар ўртасида талабалар алмашинуви дастурлари бажарилди. Бугунги кунда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида минглаб талабалар корейс тилини ўрганоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик университети Ўзбекистонда бакалаврият, магистратура ҳамда докторантурада корейшунос малакали кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим даргоҳидир. Шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлат чет тиллар институтида корейс тили асосий хорижий тил, айрим олийгоҳларда иккинчи тил ёки факультатив хорижий тил сифатида ўқитилмоқда.

Университетимизда ҳар йили корейшунослик ҳафталиги ўтказилади. Бу йили



“Корейшунослик халқаро илмий ва маданий ҳафталиги — 2024” ҳам ниятда қизгин, қизиқарли тадбирларга бой бўлди. Талаба ёшларнинг ўзбек ва корейс маданияти бирлигини кўрсатишга қаратилган санъат ва маданият йўналишидаги тадбирлари, турли концерт дастурлари, “Корейс тили нотқилик санъати” танлови ёшларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилади. Ушбу ҳафталик давомида Тошкент давлат шарқшунослик университети, Инха халқаро тадқиқотлар маркази ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида “Евроосиё ва корей-

миллий маданий хусусиятлари” медиадарсликларни тақдиримиз иштирокчилари томонидан қизгин кутиб олинди.

Булар корейшунослик йўналишида қилинаётган ишларнинг айрим намуналари, холос.

Таржима элларни, дилларни боғлайди

Халқлар ва мамлакатларни бирлаштиришда, уларнинг тафаккур маҳсули бўлмиш адабий асарлар билан таништиришда таржима

Университетнинг алоҳида режасига кўра, яқинда Ханкук чет тиллар университети билан ҳамкорликда синхрон таржима маркази ташкил этилди. Бу марказ келгусида мамлакатлар орасида алоқаларни ривожлантиришда таржимон ва таржимашуносларни, айниқса, бугунги кун учун ниятда долзарб бўлган синхрон таржимонларга бўлган эътиҳон қоплашга асос бўлади.

Бугунги кунда Тошкент давлат шарқшунослик университети Жанубий Кореянинг 30 га яқин университети билан ўқув ва илмий йўналишларда ҳамкорлик қилмоқда.

тиллари олтой тиллар оиласига киради ва шу сабабли ҳам талабалар бу икки тилни осон ўрганади. Жанубий Кореянинг қатор университетларида, хусусан, Ханкук чет тиллар университети, Тегу университети, Бусан чет тиллар университетидида ўзбек тили ўқитилмоқда. Бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилган.

Жанубий Корея ҳукумати томонидан ҳамкор мамлакатлар орасида танланган тилларни ўқитиш бўйича алоҳида CFLE лойиҳаси учун махсус давлат гранти ажратилган. Шу асосда ўзбек тилини ўқитиш бўйича даражаларга бўлинган ҳолда ўзбек тили дарсликлари яратилиб, чоп этилгани биз учун ниятда қувонарли. Ханкук чет тиллар университети профессорлари Ли Жи Ин ва Азиза Машраббекова ҳамкорлигида шу дарсликнинг В2 даражадаги китобида ҳаммуаллиф сифатида иштирок этганидан жуда мамнунман. Она тилимизнинг Жанубий Кореяда ўқитилишидан фахрланаман. Корейс шогирдларимдан бири профессор Ли Жи Ин ушбу университетнинг Марказий Осиеё кафедрасини бошқараётгани, яна бири Ён Сангхум докторантуранини университетимизда тугатиб, корейс ва ўзбек тилини қиёсий тадқиқ этиб, ажойиб диссертацияни ҳимоя қилгани мени гўрулантиради.

Утган йили Жанубий Кореяга хизмат сафаримиз давомида Ханкук чет тиллар университетида ўзбек тилини ўрганаётган талабаларга маърузалар ўқиб эканман, уларнинг тил билишига иштиёқ кучли эканига гувоҳ бўлдим. Шогирдларимнинг она тилимизни корейлик ёшларга чуқур масъулият ва меҳр билан ўқитаётгани, ўзбек тилида кўлаб тадбирлар ўтказётгани, китоблар ёзилаётганини кўриб, танлаган касбимнинг нақадар улуглигини кувондим.

Бугунги кунда ҳар икки давлатнинг қўшма лойиҳалари ёки дастурлари бўлмаган соҳа йўқ десак, муболага бўлмайди. Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга давлат ташири ўзаро ҳамкорликнинг янада кенгайтириши, қўшма ташаббусларнинг амалиётга кириши учун янада муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу ташир, ўз навбатида, мазкур алоқалар ривожига ҳисса қўшаётган кадрларни тайёрлашга масъул олий таълим муассасалари олдида янги ташаббуслар билан ишлаш вазифасини қўяди. Ўзаро келишувлар ва лойиҳалар икки мамлакатнинг таълим йўналишидаги алоқалар ривожига, қолaversа, ҳамкорликнинг келгуси истиқболи учун янада кенг йўл очади.



шунослик” мавзусидаги халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман ўзбек ва корейс олимлари ҳамда тадқиқотчиларнинг турли йўналишдаги илмий маърузалари муҳокамаси билан келгусидаги ҳамкорликни ривожлантиришга асос вазифасини ҳам ўтайди, дейиш мумкин.

Ҳафталик давомида корейшунослик факультети профессор-ўқитувчилари томонидан замонавий талабалар асосида тайёрланган медиамаҳсулотлар (дарслик, ўқув қўлланма) тақдими бўлиб ўтди. Корейс филология кафедраси мудири Умида Сайдаимова бошчилигида Азиза Ҳидоятова, Дилрабо Дадабоева томонидан “Уч подшолик ва Силла даври адабиёти” дарслиги, Барно Миршарипова томонидан эса “Корейс фразеологизмларнинг

ишларининг ўрни беқиёс. Университетимизда таржимонлар ва таржимашунослар тайёрлаш устувор йўналишлардан бири. Таълим жараёни, ўтказилаётган илмий анжуманлар, бадий кечалар, китоблар тақдироти, машҳур таржимонларнинг маҳорат дарслари бу йўналишдаги ишлар самарадорлигига замин яратмоқда.

Корейс адабиёти намуналарини ўзбек тилига, корейс тили адабиёти намуналарини эса корейс тилига таржима қилиш бўйича изланаётган ёшларимиз бор. Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Муҳаммад Юсуф асарлари корейс тилига таржима қилиниб чоп этилгани, шунингдек, корейс тилидан мумтоз ва замонавий давр насри ҳамда назмининг сайланмалари, корейс эртақлари ўзбек тилига таржима қилинган бунинг исботидир.

Корея Республикасидан Ўзбекистонга келиб фаолият юритаётган дипломатлар, элчиларнинг университет талабалари учун махсус маърузаларини ташкил этиш аниъанага айланган.

Кенсан-Пукто вилояти губернатори ўринбосари, сиёсий фанлар доктори Ли Дал Хи хоним, Кемён университети президенти Син Илхи жаноблари бугунги кунда ТДШУнинг фахрий профессорлари ҳисобланади.

Жанубий Кореяда ўзбек тилига эътибор

Корея Республикаси тил ўқитиш бўйича ҳамкорликни икки томонлама ривожлантираётган давлатлардан. Ўзбек ва корейс

Янгича ёндашувлар

Йўлнинг икки тарафига экилган гужум дарахтлари “Келинг, марҳамат”, дея Оролбўйи халқаро инновация маркази тажриба майдончасига чорлаб тургандек тасаввур уйғотади. Сўлим жойдаги мазкур марказ 2018 йили ташкил этилган. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 31 майдаги қарорига асосан, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

— Марказимизга Орол денгизи тубида шўрланган ерда экотизим яратиш ва барқарор турмуш даражасини таъминлаш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда шўрланган худуддаги муаммолар ечимига хизмат қиладиган инновациялар ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси юклатилган, — дейди Оролбўйи халқаро инновация маркази директори Бахитжан Ҳабибуллаев. — Шунингдек, марказ синовлар ўтказиш учун экспериментал майдонлар яратиш, инновацион технология ва ёндашувларни, жумладан, ўрмон мелiorацияси, сахрони дарахтзорга айлантириш ишлари билан ҳам шуғулланади. Биоэнергетика, экинлар диверсификацияси, комплекс экинлар етиштириш, чорвачилик, яйловларни ривожлантириш, қургоқчиликни бошқариш ва юмшатиш, Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва кўл ҳавасини экологик соғломлаштириш соҳасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш — асосий мақсадимиз.

Илмий тадқиқотлар ўтказиш ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича марказ қатор халқаро ва маҳаллий ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари билан шериклик алоқалари ўрнатган. Жумладан 50 дан ортқ хорижий ва маҳаллий ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув ва меморандумлар имзоланган.

— Марказимиз Хитой Фанлар академиясининг Синьцзян экология ва география институти билан ҳамкорликда Орол денгизини экологик жиҳатдан барқарор бошқариш бўйича лойиҳани амалга оширди, — дейди марказнинг мелiorация ва сув ҳўжалиги бўлими мудири, лойиҳа координатори Исмоил Асанов. — Лойиҳа доирасида 2022-2023 йилларда Нукус тумани Саманбай участкасида 2 гектар ва Мўйноқ тумани Мўйноқ участкасида 1,7 гектар майдонда ноанъана-

вий, тузга чидамли 23 турдаги қишлоқ хўжалиги экени ва галофит ўсимликлар тажриба-синов тарихида парваришланди. Шу билан бирга, томчилятиб сугориш тизими, кичик метеостанция ўрнатилди.

Ушбу лойиҳа доирасида Саманбай участкасида пахтанин 11 нави синовдан ўтказилиб, ижобий натижа олинди. Жумладан, Хитойнинг “Осиеё-66” пахта навини томчилятиб сугориш тизими ёрдамида етиштириш бўйича тажриба ўтказилди. Натижада юқори сифатли пахта толаси ҳосилдорлиги 50 центнерни ташкил қилди. Сув сарфи 2,1 баробар камайтирилиб, ҳосилдорлик 2,3 марта ошди.

Яна бир янгиллик. 2023 йили Оролбўйи худудидида сув таъқислигида мослашиш, денгизнинг қуриган тубида чўл ўсимликларидан иборат ўрмон барпо этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари ўтказиш учун марказга 127 миң АҚШ доллари қўйиматидаги лаборатория ускуналари етказиб берилди.

— Синьцзян экология ва география институти билан ҳамкорликда Оролбўйида кенг қамровли тадбирларни бажариш назарда тутилган. Қиймати 500 миң АҚШ доллари бўлган Орол денгизи ҳавасининг экологик тикланишида фотоэлектр қуёш энергиясидан фойдаланиш тажрибасини кўлаш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда, — дейди Исмоил Асанов. — Уни Ўзбекистон Фанлар академияси ва бошқа тегишли хорижий ва маҳаллий ташкилотлар билан биргаликда 2023-2025 йилларда амалга ошириш назарда тутилган. Шу билан бирга, “Саманбай” тажриба майдони худудидида қиймати 134 миң долларлик ускуналар, жумладан, қуёш панеллари ва шамол генераторлари ўрнатилди.

СУВ САРФИ КАМАЙИБ, ҲОСИЛДОРЛИК ОРТМОҚДА

илмий ишлаб чиқариш майдончасида хитойлик олимлар билан бирга цистанхе уруғи тажриба тарихида экилди.

Марказда UNICEF жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда 2021 йилдан буён амалга ошириб келинаётган ImkonLab дастури доирасида ёшлар орасида ижтимоий инновациялар ва ижтимоий тадбиркорлик учун зарур қўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар ҳам мавжуд. Утган йили Қорақалпоғистоннинг Кеҗейли, Чимбой ва Қораўзақ туманларидаги ёшларнинг жамиятдаги долзарб ижтимоий муаммоларини таҳлил қилиш, муаммонинг асл сабабларини тушуниш ва самарали инновацион ечим ишлаб чиқишига ёрдам берилган. Натижада 5 та



Оролбўйидаги тадқиқотлар аҳамияти қандай?



жамоанин җар бирига муайян муаммо ечимини ишлаб чиқиши учун миңг АҚШ долларидан маблағ ажратилган.

— Лойиҳамиз “SATREPS — 2020” Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигидаги қўшма халқаро илмий лойиҳалар танловида ғолиб

бўлган эди. Оролбўйи галофит деҳқончилик тизими учун маркерларга асосланган селекция технологиясидан фойдаланиб, қургоқчилик, юқори ҳарорат ва шўрга чидамли, оксилга бой баҳорги бугдой навлари яратиш бўйича инновацион амалий лойиҳа устида ишлаб чиқиш, — дейди марказнинг экинлар диверсификацияси лабораторияси мудири, лойиҳа координатори Парахат Торешов. — Айни пайтда тажриба-синов ва илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Лойиҳамиз натижасида қургоқчилик, иссиқлик ва шўрга чидамли, оксилга бой баҳорги 2 та бугдой нави яратилди.

Оролбўйи инновацион марказидаги лойиҳалар билан танишар эканмиз, ҳақиқатан, худуд иқлим шароитига мос келадиган ишланмаларни кўрдик. Масалан, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологияси институти ректори Бердияр Жоллибеков амалга ошираётган лойиҳа қиймати 2,8

миллиард сўмни ташкил этади. У Оролбўйи худудидида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чорва учун галофит ўсимликлардан ем-хашак ишлаб чиқаришнинг иқлимга чидамли инновацион ёндашувлари ва технологияларига мўлжалланган амалий лойиҳадир. Ушбу лойиҳа ижроси натижасида маҳаллий бозор учун чорвага ем-хашак экинлари етиштириш инновацион тизимини ривожлантиришга эришилади.

— Қорақалпоғистон туманларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани Абу-Даби ривожланиш фонди (БАА) молиялаштирмоқда. Унинг доирасида Африка таригининг 6 намунаси, жўҳорининг 23, мошининг 4, кунгабоқарининг 3 нави Оролбўйи худуди учун мослаштирилмоқда. — дейди Бахитжан Ҳабибуллаев. — Шунингдек, Мўйноқ туманида “Оролдаги боғим” лойиҳаси доирасида манзарали дарахтлар боғини яратиш бўйича ишлар қилинмоқда. 2023 йили лойиҳа доирасида “Сибирское здоровье” компанияси ҳомийлигида 500 туп манзарали дарахт ва 4 миң туп саксувал кўчати, “ERIELL Oilfield Services Middle East DMCC” компанияси ҳомийлигида 500 туп манзарали дарахт ва 1 миң 500 туп саксувал кўчати, “Nestle” компанияси ҳомийлигида 10 миң туп, Фран-

циянинг ASIE уюшмаси ҳомийлигида миңг туп саксувал кўчати екилиши натижасида лойиҳа майдони 20 гектарга кенгайтирилди. Марказдаги муҳим янгилликлардан бири шукри, қиймати 12,4 миллиард сўмлик ўсимликлар уруғи генбанки билан таъминланган лаборатория, бизнес-акселератор ўқув маркази ва технопарк иморати жорий йилда қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

Оролбўйи халқаро инновация маркази билан танишувимиз давомида жуда кўп ишланма ва тажрибадан гувоҳи бўлдик. Буларнинг барчаси Оролбўйида экотизим ва барқарор турмуш даражасини таъминлашга хизмат қилади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Тирик тарих



Миллий қаҳрамонларимизнинг руҳий қуввати

Ватанпарварлик туйғусини уйғотиб, улугвор мақсадлар сари чорлайди

“Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент халқаро кинофестивалида “Баҳодир Ялангтўш” тарихий фильмининг биринчи эпизодини суратга олиш жараёни намойиш этилган. Ушунда фильм энг замонавий, бадиий ва технологик савида суратга олиш имконини берадиган янги панорамали павильонда ишланаётгани ҳақидаги хабарлар юртдошларимиз қизиқишини оширгани эсимизда. Илгари йирик блокбастер ва жанговар фильмлар хромакей ёрдамида суратга олинган бўлса, бугун Stage craft технологиясидан фойдаланиш орқали жараён глобал микёсда ўзгариши, технология битта павильоннинг ўзида юқори сифатда тасвирга олиш имконини бериши ҳақида мутахассислар интервью берганди.

Премьердан сўнг бу шов-шувли хабарлар ўз тасдиғини топди? Халқимизнинг буюк фарзандларидан бири, давлат ва жамоат ар-боби, саркарда Баҳодир Ялангтўш (Олчин) ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган мазкур фильмин суратга олиш жараёни қандай кечди? Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, танкид режиссёр Жаҳонгир АХМЕДОВ билан суҳбатимиз шу ва бошқа мавзулар ҳақида бўлди.

— Аввало, “Баҳодир Ялангтўш” фильми премьераси билан чин дилдан табриқланамиз. Намойиш қилинганидан сўнг аксарият томошабин ўзбек киноси яна бир яхши асар билан бойигани, тарихий фильм суратга олиш йўналишида янги мезон пайдо бўганини айтмоқда. Бу эътироф замиридаги машаққат ва изланиш ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Табрик учун ташаккур. Премьерадан сўнг айтилаётган фикрлар, эътирофлар ҳар қандай ижодкор учун алоҳида фохр, катта шараф. Бир жиҳати таъкидламоқчиман: “Баҳодир Ялангтўш” фильмин учун кимгадир миннатдорлик билдириш лозим топилса, аввало, Президентимизга ташаккур айтиш зарур. Чунки кино соҳасининг бугунги ютуқлари замирида давлатимиз раҳбари эътибори, ижодкорларга яратилган имкониятларнинг алоҳида ўрни бор.

Албатта, ҳар бир муваффақият ортида тинимсиз меҳнат, ижод машаққати, чуқур изланишлар ҳам ётади. Ижодий гуруҳимиз билан қарийб уч йил давом этган суратга олиш ишлари, умуман, жараёнлар мобайнида бизга катта ишонч билан қараб турган халқимиз эътирофига муносиб, ниҳоятда катта кўлам ва юксак савиядаги тарихий фильмин яратиш осон юмуш эмаслигига яна бир қарра амин бўлдик. Бу бор ижодий салоҳиятимизни ишга солиш билан бирга бутун бошли сановатнинг янги қирраларидан фойдаланишни талаб этувчи кенг миқёсдаги жараён.

Тарихни шунчаки жонландириб бўлмайди. Декорация, либослар, реkvизит ва яна бошқа ўнлаб омиллар жам бўлгандагина биз хоҳлаган тарихий муҳит пайдо бўлади. Сановат деб мана шуну назарда тутияман. Суратга олиш жараёнида қимматбаҳо декорациялар ўрнига саҳнанинг орқа томонига керакли атмосфера ни тўлиқ етказиб бера оладиган йирик LED панеллар ўрнатилди. Натияжада виртуал оламнинг юқори сифатли тасвири экранда акс эттирилди ва оператор камерасига ҳеч қандай қийинчиликсиз боғлана олди. Объектларнинг фондаги ҳолатини камера жойлашувига қараб ўзгартириш эса сифатли фильм суратга олиш имконини беради.

— Ҳамиша илгари мурожаат қилинган қаҳрамонлар ҳақида фильм ишлашга ҳаракат қиласиз. “Исломуҳжа” ва “Илҳак” тарихий картиналари қаҳрамони ҳам аввал яратилмаган. Баҳодир Ялангтўш ҳақидаги баъзи маълумотларни айрим юртдошларимиз энди эшитиб турибди. Ҳатто унинг Самарқанддаги Тиллақори ва Шердор мадрасаларини бунёд этганини билмайдиганлар бор. Баҳодир Ялангтўш образини яратишда қайси манбаларга таяндингиз?

— Кўпчиликка номаълум қаҳрамонлар мен учун ҳамisha қизиқ бўлган. Изланишлар

қанча машаққатли бўлса, топган маълумотларнинг шунча қадр топади. Ҳали ўзимга ҳам, юртдошларимизга ҳам ўнчалик таниш бўлмаган қаҳрамонларни бадиий эпизодларга кўчириб, халқимизга, хусусан, ёшларга тасвирли қилиб етказиш киноижодкор сифатида менга жуда катта завқ ва шижоат беради.

Бугун бутун дунёдан келатган сайёҳларнинг барчаси, аввало, кўҳна ва афсонавий Самарқандни, Регистон ансамблини кўришни хоҳлайди. Бироқ бу обидаларни ким қурганини айримлар ҳалигача билмаган. Шу билан



бирга, Баҳодир Ялангтўш ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос ўринга эга сиёсатчилардан бўлган. Маҳмуд ибн Валӣнинг “Бахр ал-асир” асарида ёзилишича, амирнинг асл исми эътибори билан кўп қилдириб бўлмайди.



Хатой Баҳодир бўлган. Айрим манбаларда унинг исми гоҳ Низомиддин, гоҳ Абдулқарим тарзида келтирилади. Ривоятларга кўра, душманга қарши бир жангда ҳеч қандай совуטים,

қалқонсиз, кўксини очиб майдонга тушгани учун унга Ялангтўш лақаби берилган. Давлат бошқарувини қўлга киритишга ҳисса қўшгани, садоқатли ва намунали хизматларини эътиборга олган Имомқўлихон 1612 йили Баҳодир Ялангтўшни Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинлайди. Бир неча танаффус билан у қирқ йил Самарқандни бошқарган.

Баҳодир Ялангтўш ҳақидаги тўлиқ маълумотни академик Азамат Зиё бошчилигидаги Тарих институти олимларидан, самарқандлик мутахассис Эркин Муслимоновдан олдик. Фильмининг экран юзини кўришда айнан мана шу олимларнинг меҳнати ва ёрдами жуда катта бўлди. Биргина нотўғри маълумот муайян тарихий давр қиёфасини, аҳамиятини ўзгартириб юбориши мумкин. Шу боис, ҳар бир маълумот ва топилмани жиддий муҳожама қилишга тўғри келди.

— Фильмнинг кўраётган чоғимиз томошабинлар жуда кўп диалогни чин дилдан олқишлаб турди. Шу ўринда Малика Герл шох Этонига айтган мана бу сўзларни келтириб ўтмоқчиман: “Мен сенинг саройингда яшаган йилларим эсла қадр топмадим, бироқ Самарқандда кечган асирлик чоғида сочларимнинг бир толаси ҳам тўкилмади”. Картинада бундай мисоллар анча. Сўрамоқчи бўлганимиз, киносценарий ёзишнинг ҳам ўзига хос услуби, машаққати бор. “Баҳодир Ялангтўш”да бу борадаги ҳамкорлик ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Президентимизнинг киносаройга ташрифи барчамизга катта гурур бағишлади. Соҳага, керак бўлса, суратга олинатган ҳар бир фильмга, ижодкорларига шахсан давлат раҳбари эътибор қаратиб, қўллаб-қувватлаб турса, гурурланмай бўладимиз! Бу биз учун фохр бўлиш билан бирга, катта масъулият ҳам. Бу — ишончни оқлаш, фильмларни, айниқса, тарихий фильмларни сифат ва бадиий жиҳатдан талаб даражасида яратиш масъулияти! Кино энг кучли тарғибот воситасидир. Қўллаб-қувватланган мамлакатларга эътибор берсангиз, давлатнинг шонли тарихини улугвор кўрсатиш учун кинематографияга жуда катта маблағ ажратлади. Президентимиз улугвор тарихимиз ва буюк аجدдоларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи фильмларга илҳом беришга етарли маблағ ажратилишини кўп таъкидлайди. Биз, киноижодкорлар ана шу катта тадорик ва кутлуғ ишга муносиб жавоб бера олишимиз керак.

— “Тирик тарих” — ўзбек давлатчилигининг уч минг йиллик буюк тарихи, шонли ва қайғули кечмиши, улуг сиймолари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган муҳташам кинолояҳа. Уни рўёбга ошириш жараёнидаги дастлабки сўб-ҳаракатлар, мазкур лойиҳа доирасидаги орзуларнингиз ва режаларингиз ҳам муштарийлар учун қизиқ...

ёш авлоднинг етишиб чиқишида муаммо кўп. Шунинг учун ҳам айрим режиссёрлар ўзи сценарий ёзишга мажбур бўлади. Кўпчилик “Ана бор-ку, ёзувчиларга мурожаат қилинг”, дейди. Лекин кинодраматургия фақат ёзувчиликдан иборат эмаслигини тушунамайди. Бу — алоҳида касб, алоҳида истеъдод. Гафур Ғулום “Шум бола” қиссасини киносценарийга айлантиришга кўп вақт уриниб кўрган, “Бу ёзувчининг иши эмас экан”, деб қайтариб берган. Натияжада улуг режиссёр, устозимиз Шўҳрат Аббосов “Шум бола”ни киносценарийга айлантирган. Мен бу гапни сценарийни фақат режиссёрлар ёсин, дейиш учун айтмаяман. Ким бу иш билан шуғулланишни истаса, панжа ортидан қарамасин, жиддий ёндашиб, бор заковати ва истеъдодини бағишлаб ишласин, демократикан. Ҳасан Тошхўжаев билан илк ҳамкорлигимиз “Илҳак” фильмида бўлди. Мана “Баҳодир Ялангтўш”ни ҳам бирга, ҳаммуаллифликда ёздик. Ҳозир ишонч билан уни замонавий ўзбек киносининг забардаст драматургларидан, деб айта оламан.

— Жорий йил 16 майда давлатимиз раҳбари қатор киноижодкорлар билан учрашув чоғида кино бизни янги босқичга олиб чиқишини, биз фақат янги меҳнатчи билан ўзимизни дунёга танитишимиз мумкинлиги ҳақида айтган эди. Бу сўзлар нафақат киноижодкорлар, балки юртимиздаги барча зиёлилар зиммасига катта масъулият юклагани аниқ. Сиз режиссёр сифатида янги босқичга қандай ўзгариш ва янгиланишлар рўй беришини истайсиз?

— Президентимизнинг киносаройга ташрифи барчамизга катта гурур бағишлади. Соҳага, керак бўлса, суратга олинатган ҳар бир фильмга, ижодкорларига шахсан давлат раҳбари эътибор қаратиб, қўллаб-қувватлаб турса, гурурланмай бўладимиз! Бу биз учун фохр бўлиш билан бирга, катта масъулият ҳам. Бу — ишончни оқлаш, фильмларни, айниқса, тарихий фильмларни сифат ва бадиий жиҳатдан талаб даражасида яратиш масъулияти! Кино энг кучли тарғибот воситасидир. Қўллаб-қувватланган мамлакатларга эътибор берсангиз, давлатнинг шонли тарихини улугвор кўрсатиш учун кинематографияга жуда катта маблағ ажратлади. Президентимиз улугвор тарихимиз ва буюк аجدдоларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи фильмларга илҳом беришга етарли маблағ ажратилишини кўп таъкидлайди. Биз, киноижодкорлар ана шу катта тадорик ва кутлуғ ишга муносиб жавоб бера олишимиз керак.

— “Тирик тарих” — ўзбек давлатчилигининг уч минг йиллик буюк тарихи, шонли ва қайғули кечмиши, улуг сиймолари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган муҳташам кинолояҳа. Уни рўёбга ошириш жараёнидаги дастлабки сўб-ҳаракатлар, мазкур лойиҳа доирасидаги орзуларнингиз ва режаларингиз ҳам муштарийлар учун қизиқ...

— Ижодий гуруҳимиз суратга олган тарихий мавзудаги учинчи фильмининг экран юзини кўрди. Таъриба орттирдик, малака оширдик, кўника ва билимимизни янгилдик. Шунга яраша режаларимиз ҳам бор. Ижодий гуруҳимиз кўпдан бунг ишлаб юрган мавзулар ана пишиб қолди. Катта лойиҳадан чиқдик, бир оз тин олиб, навбатдаги ижодий ишларга қўл урамиз.

Шу ўринда тарихий фильм яратишдаги муҳим бир жиҳатга — кадрлар масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман. Президентимизнинг “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорига кўра, кинематография соҳасини янги босқичга кўтариш, миллий давлатчилигимизнинг уч минг йилдан зиёд тарихини, буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросини акс эттирувчи фильмлар туркумини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024-2027 йилларга мўлжалланган “Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш дастури тасдиқланди. У орқали ватан овозлиги ва равнақи йўлида курашган буюк саркарда ва давлат арбобларининг мураккаб ҳаёти ва давлатчилик фаолиятини холис ҳамда ҳаққоний кўрсатиб бериш белгиланди.

Мазкур дастурга кўра, 2027 йил охиригача 52 та тарихий фильм суратга олишимиз керак. Бунинг учун ишни ҳозир фаол ижодий жараёндаги ижодкорлар малакасини оширишдан бошлашимиз зарур. Режиссёр ва операторлар, гримчи ва либосчилар, декорация курувчи расомлар, графикачиларимизни малака ошириш учун кино санъати ривожланган, айниқса, тарихий фильм ишлашда катта таърибага эга мамлакатларга юборишимиз шарт. Яратилажак тарихий фильмларнинг ҳам техник, ҳам бадиий сависини мана шу йўл билан юксалтириш мумкин.

— “Яқин-яқингача ҳарбий соҳаларга қизиққан болаларимизни Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурдек болаларни қўлиб, “Суворовчилар мактаби”да ўқитиб келдик. Мана қандай фильм қилиш керак. Бугун энди “Темурбеклар мактаби”, Президент мактаблари фарзандларимиз учун эшикларини очиб турибди. Турли замонавий илмларни, мураккаб математик амалларни ўзлаштираётган минг-минглаб болаларимиз ўсишти. Аммо менга уларнинг математик бўлиш шарт эмас, фарзандларимиз, аввало, ватанпарвар бўлишсин!”. Бу мулоҳазаларни давлатимиз раҳбари 16 майдаги учрашувда таъкидлаган эди. Ҳар бир давр инсонни ўз ютуқлари билан бирга камчилик ва муаммолардан

ҳам холи бўлмайди, албатта. Сизнингча, глобал дунёдаги ватанпарвар образи бошқа даврнинг фидойиларидан қандай фарқланади?

— Айниқса, бугуннинг уйғоқ ва мустақил фикрга эга одамлари ҳар лаҳзада хушёр бўлиши зарур. Ахборот хуружи авж олган айти паллада хабар ва маълумотлар, ёш қалбларни адаштириш ниятида тарқатилаётган турли тарғибот материаллари бир нафасда дунёнинг у четидан бу четига эшик қоқмай кириб келмоқда. Демак, бир зумга бўлса-да, бепарво бўлиш, гафлатда қолишга ҳаққимиз йўқ. Давлатимиз раҳбари ҳамisha хавотир билан таъкидлаётган мулоҳазани мен ҳамisha ёшларимизга такрорлашдан чарчамаяман. Ана шу тинимсиз онгимизни, қалбимизни банд қилаётган ахборот маконидан миллий контент худуди мустаҳкам бўлиши керак ва шарт!

Барча давлат ўз миллий қадрият ва аёнчалари, нуқтани назари акс этган хабарлар, асарлар ва кинофильмларни катта масъулият билан тарғиб қилмоқда. Шу боис, Исломуҳжа, Баҳодир Ялангтўш каби қаҳрамонларимизни бадиий фильмлар орқали уйғотишимиз, уларнинг гоҳларини ёш авлод қалбига синдиришимиз жуда муҳим. Ўзим ижодкор сифатида ҳар гал миллий қаҳрамонларимиз ҳақидаги фильмларни суратга тушириш жараёнида жуда катта руҳий қувват оламан. Муайян муддат кўтаринки кайфиятда, ғайрату шижоат билан яшайман. Шогирдларим, фарзандларим, умуман, атрофимдаги барча яқин ва танишларимга меҳрим, муносабатим ўзгаради.

“Баҳодир Ялангтўш” фильмининг суратга олиш чоғида мени қийнаб келатган, халқимиз, миллатимизни ичидан емираётган, ташқи душмандан ҳам хавфли — дўст қиёфасидаги ички душманлар борасидаги туйғуларим, хулосаларим, мулоҳазаларимни синдиришга ҳаракат қилдим. Премьера чоғида Баҳодир Ялангтўшнинг “Менинг халқимдан асло гинаман йўқ, Ватаним учун жоним фидо!” деган сўзларини эшитганимда кўзимга ёш келди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қайси касб ва ҳунарни эгаллаган бўлишимиздан қатъи назар, ҳар биримизнинг олий мақсадини янги Ўзбекистонимиз учун курашиш, ёниб яшаш ва меҳнат қилишидир. Келгусида ижодий жамоамиз билан яратмоқчи бўлган барча фильмларимизнинг асл моҳияти ана шу мақсад билан чамбарчас боғлиқ.

Шу ўринда менга қувонч бағишлаётган бир ҳолатни айтиб ўтмоқчиман. Хабарингиз бор, айти куларда пойтахтимиз ва вилоятлардаги кинотеатрларда “Баҳодир Ялангтўш” бадиий фильми намойиш этилмоқда. Деярли ҳар қуни менга ота-оналар, ўқитувчилар кўнгирик қилиб, “Фарзандларимизга фохр ва ифтихор билан тавсия этсак бўладиган ажоиб фильм суратга олибсиз, раҳмат!”, дейпти. Бундай эътирофни эшитганимда янада шижоат билан янги фильмлар суратга олишни режалаштира бошлайман.

“Тирик тарих” номи муҳташам лойиҳанинг яратилиши ҳам уч минг йиллик тарихимиз қаҳрамонлари, уларнинг шиори, мақсадлари, хулосалари орқали бугунги авлодда ватанпарварлик туйғусини уйғотиш, жасоратли қалбларда маёқ яратишдир! Янги технологиялар ўз йўлига, аввало, яратилажак 52 фильмининг руҳияти жуда баланд бўлиши керак. Шундангина Учинчи Ўйғонишга қўрилаган таррадудиннинг қанчалар улуг ва шонли эканини ёш қалбларга синдира оламиз.

— Баҳодир Ялангтўшнинг сиз айтган сўзлари мангу садо янглиг бизни ҳам хушёр қилди. Премьера тугагандан кейин ҳам томошабинлар зални тарқ этмай, саҳнага чиқишимизни кутиб турди. Қўллаб юртдошларимиз “Ана шундай қаҳрамонимизни бизга эслатган, танитган режиссёр Жаҳонгир Ахмедовга минг раҳмат!” дея эътироф этганини муҳлисларингиз миннатдорлиги сифатида айтиб ўтишни жоиз билдик. Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур!

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақланадими. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограм” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 2046. 44065 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов Мусахҳи: Аслиддин Абдуразақов Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй